

---

## УЧКЎПРИКДАГИ УН ВА УН МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ИХТИСОСЛАШГАН “ADMIRAL GROUP” КОРХОНАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГАЙТИРИШ ЛОЙИХАСИ ҲИСОБИГА ЙИЛЛИК ЭКСПОРТ 20 МИЛЛИОН ДОЛЛАРГА ЕТАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров кеча “Қўқон” эркин иқтисодий зонасидаги яна бир корхона, “Admiral group” масъулияти чекланган жамиятида ҳам бўлиб, корхона фаолияти ҳамда амалга оширилаётган янги инвестицион лойиҳа доирасидаги ишларнинг бориши билан танишди.

Корхонада Афғонистон ва қўшни давлатларга ишлаб чиқарилаётган ун маҳсулотларини мунтазам экспорт қилиб келинмоқда. Бугунги кундаги талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, тадбиркор ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтирмоқда.

Ҳозирда корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан 65,1 млрд. сўмлик ишлаб чиқаришни кенгайтириш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бу орқали яна янги 200 та иш ўринлари яратиш ва йиллик 322 минг тонна қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати шакллантириш режалаштирилган. Йиллик экспорт ҳажмини эса 20,0 млн. АҚШ долларига етказиш кўзда тутилмоқда.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)  
2021-11-15 18:49:45